



# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> [t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Фарғонада

### Қўқон аэропортига илк бор йирик ҳаво кемаси қўнди

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти, ҳудудлар ривожини билан яқиндан танишиш мақсадида 11 июль куни Фарғона вилоятига келди.

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмаси соҳасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Жорий йил март ойида Қўқон аэропорти ҳам янгидан очилган эди. Ўзбекистон Президентининг самолёти илк бор бу ерга қўнди.

Мазкур аэропорт 1977 йилда қурилган бўлиб, яқин йўналишларга парвозлар амалга оширилган. Кейинчалик фақат ҳарбий ҳаво кучлари томонидан фойдаланилган. Модернизация натижасида ушбу аэропорт орқали яна фуқаро авиацияси парвозлари йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Аэропортда 100 нафар йўловчиға мўлжалланган янги терминал қурилган, учини-қўнниш йўлаги қопламаси таъмирланган. Замоनावий аэронавигация ускуналари ўрнатилган. Бу ишлар натижасида аэропорт А 320-200 ва АТР 72-600 русумли самолётларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз энди бу аэропорт халқимизга манфаат келтириши кераклигини таъкидлади. Бунинг учун нарх ва хизматларни одамларга қўлай қилиб, парвозларни қўлайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ички туризм имкониятларидан фойдаланиш яхши самара бериши, халқаро рейсларни ҳам йўлга қўйиш мумкинлиги қайд этилди.



### Янги корхоналар ишга туширилиб, лойиҳалар қурилиши бошланди

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташириши чоғида энг муҳим лойиҳаларга тўхталиши анъанага айланган. Фарғона вилоятида ҳам янги корхоналарни ишга тушириш ва қурилишини бошлаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида сўнгги беш йилда Фарғонада sanoat ҳажми 1,3 баробарга кўпайганини қайд этди. Экспорт ҳажми қарийб 2 баробарга ошиб, 722 миллион долларни ташкил этган.

Инвестициялар миқдори ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. 2018 йилда вилоятда бор-йўғи 90 миллион доллар сармоя ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1 миллиард 300 миллион доллар бўлган. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 470 тага етган.

Вилоятда 6 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ҳисобидан 110 та ва яна 1,1 миллиард долларлик 22 та маҳаллий лойиҳа бўйича ишлар жадал кетмоқда. Уларда 20 мингдан ортиқ иш ўрни бўлади.

– Илгари вилоятда 6 та лойиҳа қилиш амри маҳол эди. Бугун 6 миллиард долларлик лойиҳалар ҳақида гапиряпмиз. Нима учун? Ўсдик, ривожландик, инвесторларни ишонтирдик, шароит яратдик. Бундай ишларни яна давом эттирамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Биргина "Қўқон" эркин иқтисодий зонасида 370 миллион долларлик юзга яқин лойиҳа бажарилиб, 9 мингта янги иш ўрни яратилди. Улар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 60 миллион

долларлик экспорт қилинди.

Куни кеча қабул қилинган Президент қарорига кўра, ушбу sanoat зонаси Қувасой шаҳри бўйлаб 210 гектарга кенгайтирилади. Унда қиймати 1 миллиард долларлик 185 та лойиҳа жойлаштирилиб, 12 мингта иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, Қўқон шаҳрида 230 гектар майдонда "Ўзбекистон – Хитой" махсус sanoat зонаси ташкил этилади.

Вилоятдаги муваффақиятли лойиҳалардан бири – Сингапурнинг "Индорама" компанияси билан ҳамкорликдаги минерал ўғитлар заводи. Энди унинг юқори самарадор комплекс ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича 2-босқичи ишга туширилмоқда ҳамда 3-босқичи бошланмоқда. Буларнинг натижасида йилга 300 минг тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қўшимча 50 миллион долларлик экспорт таъминланади.

Маросимдаги яна тўртта лойиҳа энергетика соҳасида. Улар – Бешарик туманида қуёш электр станцияси, Ўзбекистон туманида электр энергиясини сақлаш тизими, Фарғона туманида кичик гидроэлектр станциялари.

Иқтисодиётимизда электр энергияга бўлган талаб йилга ўртача 6 фоизга ошиб бормоқда. Шу бос, анъанавий манбалар билан бирга қайта тикланувчи қувватлар ҳам ривожлантирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, битган корхоналар фаолиятини ва янги лойиҳалар қурилишини бошлаб берди.



# ФАРҒОНАДА



# ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР!

**Д**унё автомобилсозлиги бозори сўнгги 2-3 йилда остин-устун бўлиб кетди. Анъанавий русумдаги ёнилғида ҳаракатланадиган автомобиллар нархи 20-30 фоизгача арзонлашди, сотуви қисқарди. Бунинг сабаби – замоनावий технологиянинг шиддатли ривожини эди. Эндиликда электр қуввати билан ишлайдиган энгил ва юк машиналари кун сайин умумий бозорнинг асосий қисмини эгаллаб бормоқда.

Фарғоналик тадбиркор Баҳодиржон Аҳмедов бугунги кун келишини анча йиллар аввал тасаввур қилган ва "отини қамчилган" экан. Фарғона шаҳрида "Central Asia avto group" корхонасини ташкил этди. У эртанги кун режаларини амалга оширди. Шаҳардаги sanoat зонасида яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, жайдари тилда айтганда, "халқ автомобилсозлиги"га асос солди.

– Асосий мақсад – кичик ва ўрта бизнес учун юк автомобилларини ишлаб чиқариш. 80 фоиз маҳсулотимиз электрдан қувватланади, 20 фоизи эса гибрид шаклидаги юк ташувчи тижорат электромобилларидир, – дейди "Central Asia avto group" корхонаси бош директори Баҳодиржон Аҳмедов.

– Биринчи босқичда бутлаш ва тестдан ўтказиш технологик линияларини қўйганмиз. Иккинчи босқичда бўйаш ва антикоррозия линияси, ке-



йинги босқичда тўртта пайвандлаш линияси ўрнатилди. Биринчи босқич тўлиқлигича амалга оширилди. Биз учинчи босқичда автомобиль ташқи қисмларини преслаш йўлагини ташкил этамиз.

Фарғона шаҳри водийнинг марказида жойлашган. Маълумки, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида мамлакат автосаноати учун эҳтиёт

қисмлар ишлаб чиқарадиган бир неча корхоналар фаолият юритмоқда. "Central Asia avto group" улар билан ҳамкорлик ўрнатди.

– 27 та ташкилот билан музокаралар олиб бордик. Электромобиль моделларининг буфер, чироқ, асосий рама қисмларини Фарғона вилоятида ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Мақсадимиз бир

йил ичида автомобилнинг 70 фоиз қисмларини маҳаллийлаштиришдир, – дейди Баҳодиржон Аҳмедов.

Шундай қилиб, яқин вақт ичида Фарғона электромобиль заводи автомобиль йиғувчи эмас, ишлаб чиқарувчи корхонага айланади.

– Ушбу модель электр қуввати билан ҳаракатланади, – дейди бутловчи Шохрух Эрназаров. – Булар икки турга бўлинади. Электрда ҳаракатланадигани бир мартта қувватлантирилса, икки тонна юк билан 350 километр масофа босиб ўтади. Гибрид электромобиллар эса электрон қувватлантирилгач, бензин ёқилгиси қуйилганида 850 километр масофа босиб ўтиши мумкин. Агар автомобилда 3 йил муддат ичида носозлик аниқланса, уни бепул таъмирлаш ҳам корхона зиммасида.

Электромобиль Ўзбекистон бозорига кириб келди. Аммо ҳали харидорда айрим иккиланишлар ҳам бор.

Мазкур автомобиллар Ўзбекистон ва ҳайдовчилар учун янги. Уларга хизмат кўрсатиш қандай ташкил этилади, деган саволимизга Баҳодир Аҳмедов шундай жавоб берди:

– Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга уч

йиллик кафолат берилади. Мамлакат бўйлаб 26 та ихтисослашган автосервис очганмиз. Ишлаб чиқарилаётган ҳар бир русумли электромобиль эҳтиёт қисмлари ўша сервис хизмати манзилларига 5 йил давомида етказиб бериб турилади.

Биз харидорларни қизиқтирувчи яна бир масалага ойдинлик киритдик. Корхона директори автомобилларни ҳаракатга келтирувчи аккумуляторлар ҳақида шундай дейди:

– Аккумулятор автомобиль таннархининг 40 фоизини ташкил қилади. Шунинг учун биз ҳар бир аккумуляторга 7 йил ишлаши бўйича кафолат берамиз.

"Central Asia avto group" яқин вақт ичида электр қуввати билан ҳаракатланувчи автобуслар ишлаб чиқаришни бошлайди.

Шу кунларда навбатдаги яна бир лойиҳага қўл урилди. 250 миллион АҚШ доллари эвазига хитойлик ҳамкорлар билан электромобильлар учун аккумуляторлар ишлаб чиқариш корхонаси бунёд этишга киришилди.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ.  
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Фарғонада

1 бет

## ПРЕЗИДЕНТ ҚЎҚОНДАГИ ЙИРИК КИМЁ КОРХОНАСИДА БЎЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Собик Қўқон суперфосфат заводи молиявий соғломлаштириш ва диверсификация қилиш мақсадида 2019 йилда Сингапурнинг "Indorama Holdings BV" компаниясига инвестиция мажбуриятлари билан сотилган эди. Унинг негизда "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" корхонаси ташкил этилди. 70 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этилиб, ишлаб чиқариш технологиялари модернизация қилинди. 2021 йилда модернизация ишларининг биринчи босқичи доирасида аммонийлашган суперфосфат, сувда тез эрувчан комплекс минерал ўғитлар, азот-фосфор-калийли (NPK) минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Завод қуввати йилига 75 минг тоннадан 450 минг тоннага етказилди.

Давлатимиз раҳбари завод бўйлаб юриб, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Корхона йирик кимё кластерига айланиб, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий намуна бўлиши кераклиги таъкидланди. Завод ходимлари учун замонавий уй-жойлар қуриш, келажакда мактаб ва шифохона лойиҳаларини ҳам назарда тутиш бўйича фикр алмашилди.

Корхона изчил ривожланмоқда ва кейинги босқичлар бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Иккинчи босқич доирасида 50 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилди. Ушбу босқичда йилига 24 миллион долларлик калий сульфат, сульфат кислотаси ва аммоний-хлорид ўғитлари ишлаб чиқарилади. 120 та янги иш ўрни яратилади.

Учинчи босқич ишлари 2025-2028 йилларда амалга оширилади. Унда моно ва диқалкий фосфат, калий-нитрат, азот-фосфор-калийли комплекс минерал ўғит, кальций хлорид, моно аммоний фосфат, моно калий фосфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

## ВИЛОЯТДА 7 МИЛЛАРД ДОЛЛАРЛИК ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятида режалаштирилган янги инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Кейинги етти йилда Фарғона вилоятига қарийб 77 триллион сўмлик инвестициялар жалб этилган. Уларнинг натижасида 116 мингта иш ўрни ва 4,5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилган. Бу йил вилоятда 1,3 миллиард долларлик мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда.

Энди Фарғона вилоятида хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд 132 та лойиҳа шакллантирилган. Шундан 2,1 миллиард долларлик 25 таси давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинди. Лойиҳаларга Австрия, АҚШ,

Хитой, Россия, Туркия, Германия, Саудия Арабистони, Кувайт, Япония ва Озарбайжон каби мамлакатлар компаниялари инвестиция киритмоқда. Улар тўқмачилик, озиқ-овқат, тиббиёт, электротехника, қурилиш материаллари, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларни қамраб олган.

Лойиҳалар ишга туширилиши натижасида 23 мингдан ортиқ аҳоли иш билан таъминланади. Президентимиз мутасаддиларга лойиҳаларнинг ҳуқуқий-ташкилий асосларини тезлаштириш, инвесторлар учун барча шароитларни таъминлаш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

## ТУРИЗМ ҲАЛҚАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Президент Шавкат Мирзиёев Қўқон университетиде яратилган шароитлар билан танишди.

мўлжалланган. Ўқув бинолари, 500 ўринли 2 та талабалар турар жойи ҳамда ахборот-кутубхона марказида ёшлар учун барча шароит яратилган. Талабаларга 233 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ бермоқда.

Бу ерда хорижий университетлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Университет Туркий тили давлатлар университетлари кенгаши аъзоси. Худудда олти қаватли, икки минг ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси қурилмоқда. Бу ерда ўқув хоналари, фан лабораториялари, типография жойлашди. Шунингдек, икки қаватли "Ёшлар IT академияси" барпо этилмоқда.

2022 йилда университетнинг туризм факультети учун минг ўринли янги бино барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари миллий услубдаги ушбу мажмуани кўздан кечирди. Хориждан профессорларни таклиф этиб, дуал

таълим тизимини кенг қўллаш, туризм ташкилотлари буюртмаси асосида талабаларни мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди. Бу соҳада етук назарий ва амалий билимларга эга кадрлар ишлашини таъминлайди.

Шу ерда Фарғона туризм ҳалқасини яратишга оид концепция тақдимот қилинди.

Ўтган йили Фарғонага 430 минг хорижий турист келган. Лекин вилоятнинг тарихи, сўлим табиатига нисбатан қаралса, бу кам. Фарғона туризм ҳалқасидан мақсад хорижий ва маҳаллий туристларнинг вилоятда қолиш муддатини 3 кундан 7 кунгача узайтириш, ташриф объектлари сонини 2 баробар оширишдир. Бунинг учун Фарғона, Олтиариқ, Кува, Учкўприк туманларидаги диққатга сазовор жойлар туризм йўналишларига киритилади. Умуман, ҳалқда 577 та маскан бўлади, 50 дан ортиқ савдо-хизмат

турлари тақдим этилади. Президентимиз вилоятнинг ёнидаги Тепакўрғон археология ёдгорлигини ҳам кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари мажмура археологик ёдгорликни реконструкция ва консервация қилиб, "очиқ осмон остидаги музей"га айлантириш ташаббусини билдирди.

– Зиёрат ўзи хайрли иш. Лекин миллат тарихини зиёрат қилиш янада улуг неъмат. Бу ерда ана шундай шароит яратиш керак. Бу одамларга, айниқса, ёшларимизга ҳам билим, ҳам ғурур беради. Қўрғон ҳақида чет эллардаги манбаларни ўрганиб, маълумотларни бойитиб бориш ҳам зарур, – деди Президент.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда. (ЎзАдан қисқартириб олинди).

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



## ЭНДИ КЎЧАЛАР НУРАФШОН БЎЛАДИ

Бу Фарғонага инвестициялар оқими кўчайганининг натижасидир

– 2024 йилнинг 6 ойи давомида 715 миллион АҚШ долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Унинг 400 миллион доллари Хитойга тўғри келади, – дейди Фарғона вилояти инвестициялар ва савдо-саноат бошқармаси шўъба бошлиғи Абдулла Ханазаров. – Бундан ташқари, Фарғонада 50 миллион долларлик электромобиль ишлаб чиқариш лойиҳаси, Германиянинг 50 миллион долларлик инвестицияси, шунингдек, Япония билан ҳамкорликда мехмонхона ва япон боғи бунёд этиляпти.

Ҳа, Фарғона вилояти хорижий инвестиция қилишга оҳанраболи бўлган минтақага айланди. Бу, албатта, аввало қонунчиликдаги қўлайлик ва фарғоналик тадбиркорларнинг ишбилармонлиги туфайлидир.

Масалан, биргина Кувасой шаҳрида 2024 йилда 67,2 миллион АҚШ долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция қилиниши режалаштирилган бўлса, январь-май ойларининг ўзидан 54,7 миллион долларлик ўзлаштирилди. Бундан ташқари, Хитой инвест-торлари қиймати 75 миллион долларга тенг керамогранит ва фармацевтика корхоналарини ташкил этишга киришди.

Ёшлар саноат зонасидаги "Blue carbon" корхонаси эса фарғоналик тадбиркорлар Хитойнинг Шандон провинциясига қилган ташрифи натижасидир. Тадбиркор аукцион орқали сотиб олган майдонга тўрт ойда бино-иншоотларни қурди, кўёш панеллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий технология келтириб ўрнатди.

Маълумки, "Blue carbon" маҳсулотини юздан зиёд мамлакатларга экспорт қилувчи дунёнинг 3 та йирик компанияларидан биридир. Энди у қувасойлик тадбиркор билан ҳамкорлик ўрнатди.

– Лойиҳанинг биринчи босқичида 10 миллион, жами 15 миллион АҚШ доллар тўғридан-тўғри инвестиция қилинади. 50 нафардан зиёд ёшлар иш билан банд бўлди. Ахборот технологиялари университетининг 20 нафар битирувчилари ҳам ишга олинди, –

дейди Кувасой шаҳар ҳокимининг ўринбосари Салим Нишонкулов. – Кўёш панеллари, кўча чироқлари, қувватлантирувчи буюмлар шу жойда ишлаб чиқарилмоқда. Лойиҳанинг қуввати 172 минг донга кўча чироқлари, 450 минг донга кўёш панеллари ва 450 минг донга батареялар йиғишдир.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида у янада кенгайтирилади ва ишчи ўрни 200 тага етказилди. Келгусида ҳаракат воситалари учун қувватлантирувчи батареялар ишлаб чиқариш устида ҳам музокара олиб борилмоқда. Ҳозирча эса, Кувасойдаги бу корхона дастлаб кўча чироқларидан ўз брендини яратмоқчи.

Йўл патруль хавфсизлиги хизмати мутахассисларининг таъкидлашича, рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг ярми тунда, яъни манзилларо кўчаларнинг ёритилмаслиги сабабли рўй бермоқда. Кувасойдаги мазкур корхонанинг фойдаланишга топширилиши эса ана шу кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишга хизмат қилади. Чунки, бу ерда 40 турга яқин кўча чироқлари ишлаб чиқарилапти ва уларнинг ҳаммаси кўёш панеллари асосида ишлайди.

Реклама тўғрисидаги қонунчилигимиз туфайли Кувасойнинг янги бренди ҳақида батафсил маълумот бера олмаيمиз. Аммо мамлакатимизнинг ўн мингга яқин кўчаларига айнан ашил энергияга асосланган ёриткичлар керак. Биз фақат манзилни айта оламиз холос: уларни Кувасойдан топасиз.



Сарвар ОБИД. Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

## ЭКСПОРТ – ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛИ



## ОЛТИАРИҚДА ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР ХОРИЖИЙ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА

Экспортёр корхоналарга берилган имконият ва имтиёзлар туфайли саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида хорижий давлатларга маҳсулот жўнатиш қизғин паллага кирганлиги вилоятимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бораётганидан далolat беради. Матбуотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда чет элга жами 343,1 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди.

Саноат маҳсулотлари экспортида ип-калава, мато, тайёр тикув-трикотаж моллари, кимёвий ўғитлар, озиқ-овқат ва қурилиш маҳсулотлари асосий улушга эга бўлиб турибди. Қишлоқ хўжалигида хорижий давлатлар аҳолисига асосан, гилос, шафтоли, қарам, сабзи, гулқарам, ғайноли, узум, олча ва олма каби хўл мевалар жўнатишмоқда. Бу соҳада бугунга қадар айтишга эришилган натижаларга эришилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 115,2 миллион долларни, саноат маҳсулотлари эса 227,9 миллион долларни ташкил этди.

Экспорт географияси ҳам кенгайиб, Фарғонада тайёрланган маҳсулотларнинг чет эл истеъмолчилари кўпайиб борапти. Йилнинг ўтган даврида энг кўп – 91,2 миллион АҚШ долларлик маҳсулот Россия Федерациясига жўнатишди. Кейинги ўринини 39,6 миллион долларлик маҳсулот билан қароғандан ташқари Афғонистонга 20,1 миллион долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди. Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси, Қозғоғистон, Қирғизистон, Эрон, Тожикистон, Туркменистон, Польша, Литва каби мамлакатлар ҳам юртимиз маҳсулотларини қабул қилиб олишди.

Вилоятнинг 567 та экспортёр корхоналари дунёнинг 50 давлатига маҳсулот сотмоқда. Кейинги йилларда уларнинг сони 12 тага кўпайди.

Олтиариқлик боғбону соҳибкорлар азалдан миришкорлиги, саноат корхоналари ходимлари тажриба ва малакаси билан доврқ қозонган. Маҳсулот ишлаб чиқариш, ички бозорда сотиш ва экспорт соҳасида республикада олдинги ўринларда туради.

Туман жорий йилда ҳам ҳар соҳада муваффақиятли оидин ташламоқда. Чилги ҳосил – пилладан юқори ҳосил олинди, ғалла ўрими-йғини яқунлиниш арафасида, хирмонлар донга тўйлапти. Пахтадан мўл ҳосил олиш мақсадида ғўза парварши омиқорлар билан олиб борилмоқда. Боғ-роғларда мевалар ширага тўлди, ишкормаларда узумлар турли рангларда товланиб, ҳавасиндизни келтиради. Саноат корхоналарида унумли

меҳнат авжиде. Ҳалол, фидойи меҳнат эвазига яратилаётган қўт-баракали натижа иқтисодиётни юксалтириш омили бўлган экспортга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Туманда 2024 йил давомида экспортёр корхоналар томонидан жами 129 миллион 379,2 минг АҚШ доллари миқдоридеги маҳсулотларни экспортга чиқариш белгиланган. Унинг 120 миллион 572,4 минг долларини қишлоқ хўжалиги ва 8 миллион 806,8 минг долларини саноат маҳсулотлари ташкил этади.

Жорий йилнинг 25 июнь ҳолатига Олтиариқдан 65 миллион 135,2 минг АҚШ долларлик маҳсулот хорижий давлатларга жўнатилади. Бу олти ойлик режага нисбатан 104,9 фойз, йиллик белгиланганига нисбатан эса 50,3 фойзга нисбатан тўлиқ вилоятимиз туманлари орасида энг юқори кўрсаткичдир.

Чет давлатлар истеъмолчилари дастурхонига тортқ этилган маҳсулотларнинг 61 миллион 760 минг доллари мевалар, 3 миллион 375,2 минг доллари саноатчилар тайёрлаган сифатли маҳсулотлардан иборат. Бошқача айтганда, туманда бу йил ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5 миллион 237,1 минг долларлик кўп маҳсулот экспортга чиқарилди. Бу ўсиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида 4 миллион 19 минг, саноат маҳсулотлари миқдоридеги 1 миллион 218 минг долларни ташкил этади. Биргина жорий йил июнь ойининг ўзиде 26 миллион 784 минг ўрнига, 42 миллион 795,7 минг долларлик қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари экспорт қилингани айни кунларда бў юмуш жадал паллага кирганидан дарак беради.

– Биз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асосан Россия Федерациясига жўнатишимиз. Бир кунда 900-1000 тонна атрофидаги мевани чет элга чиқарамиз. Йил бошидан бери амалга оширган меваэкспортимиз ҳажми 28619,3 тоннадан ошди. Йил охирига қадар насиб қилса, бу рақамни камида икки баробарга ошириш мақсадимиз бор, – дейди "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "Logik ventures" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зиёвуддин Тожихонов.

Якка тартибдаги тадбиркор "Маматжониев Адхамжон Абдусаломович", "Nirtfruit", "Cosmos export 777", "Zilxa imkon fayz", "My garden", "Agro progress Oltiariq", "Havvo group", "Tinchlik meva export", "Jetone Sher nur logistika" сингари масъулияти чекланган

жамиятлари минглаб тоннадан хўл мевани чет давлатларга жўнатилади. Экспорт йил охирига қадар тўхтовсиз давом этади.

– Экспортёр корхоналар билан фаол ва яқиндан ҳамкорликда иш олиб бориляпти, – дейди туман ҳокимлиги бош мутахассиси Шаҳнозаҳон Муталипова. – Бу экспорт соҳасида белгиланган кўрсаткичларни ортиғи билан адо этилишида қўл келмоқда. 50 га яқин қишлоқ хўжалиги, 10 дан ортиқ саноат маҳсулотлари экспорти билан шўғулланувчи корхоналарга зарур шароитлар, имконият ва имтиёзлар яратиб берилгани туманимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига олиб келмоқда.

Олтиариқда етиштирилаётган пахтадан тайёрланган маҳсулотлар бугун Европа бозорларини эгалляпти. Масалан, Польша супермаркетларидан олтиариқлик қиз-жунолар тиккан экосумкаларни сотиб олаётган харидорлар кўп.

– Ҳамза экспо арт текстиль" масъулияти чекланган жамияти ўз маҳсулотлари билан қисқа вақтда чет мамлакатлар бозорларига кириб борди. Корхонада пахта қалава илгарининг барча турлари, олти хилдаги матолар, ётоқ чойшаблари, тиббиёт халатлари, йиғирма турдаги экосумкалар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар Россия, Белорус, Польша, Германия давлатларига сотилмоқда. Корхона цехларида тўққиз юзга яқин аҳоли иш билан банд.

Корхона фаолияти узлуксиз кенгайиб бормоқда. Олий тоифадаги ҳалқа ип, пахта ёғи ишлаб чиқариш, матоларни бунёд тармоғини ўрнатди устида иш олиб бориляпти. Замонавий пахта териш машиналари сотиб олиш режалаштирилган. "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган мазкур корхонада жорий йилнинг январь-июнь ойларида 992,2 минг АҚШ долларлик 260,9 тонна турли хилдаги тайёр маҳсулотлар хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

"IVS texgroup" масъулияти чекланган жамияти 679 минг, "Hamza expo art line" корхонаси 460,6 минг, "Heat ansor" МЧЖ 952,3 минг, "Фромода текстиль" корхонаси 188,6 минг долларлик маҳсулот экспортини амалга ошириб, эришилган натижага салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бугун чет элга сотилган маҳсулот эртага юртимиз ҳазинасига миллион-миллион доллар бўлиб қайтиши, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимизни мустақамлаши, юрт ободлиги, халқ турмуш фаровонлигини янада юксалтириши барчага маълум. Вилоятнинг жамладан, Олтиариқнинг серҳаракат ташаббускор ва тадбиркор инсонлари ана шу мақсад йўлида қадам-бақадан илгарилаб боришмоқда.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.



✓ Ёзги таътил:



Болаларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ташкиллаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 мартдаги "2024 йил ёз мавсуми давомида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларига тайёргарлик кўриш ҳамда мавсумни юқори савияда ўтказиш тўғрисида" ги мажлис баёни ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2024 йил 17 апрелдаги чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИДА  
МАВСУМ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

зиёд болаларни бағрига олар эди. Афсуски, жорий йилда ушбу оромгоҳга Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш департаменти томонидан маблағ ажратилмаганиги сабабли унинг фаолияти тўхтаб қолди. Бундан ташқари, айрим умумтаълим мактабларидаги кундузги соғломлаштириш оромгоҳларининг болаларни қамраб олиш даражаси кўнгидагидек эмас. Риштон туманидаги 20-умумтаълим мактабиди очилган шундай оромгоҳда биринчи ва иккинчи босқичда 200 нафар бола дам олиши керак эди. Аммо ўқувчиларга тушлик ташкиллашнинг имкони бўлмади. Мактаб маъмурияти ҳолий кидириб кўрди. Саховатпеша инсонлар топилмаганиги натижасида болажонлар фақат бир босқичда эрталаб соат 8:00 дан соат 12:00 га қадар бу ерда бўлишиди холос. Улар учун фан тўғрисида, спорт мусобақалари ташкил этилди. Таъбат кўйини, музей ёки театрларга саёхат уютиришнинг имкони бўлмади. Мактаб директори Дилфуза Дадабоеваннинг сўзларига қараганда, аксарият ота-оналар иссиқ овқат йўқлиги сабаб фарзандларини кундузги соғломлаштириш оромгоҳига жўнатмай кўйди.

Тумандаги 9 та таълим масканида иш бошланган кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари ҳам худди шу каби муаммолар билан аранг 10-12 кунлик икки босқич тадбирларини ўткази олдди. Ўқувчилар билан машғулоти бўлиб борадиган мутахассис педагог ва тарбиячиларни жалб этишнинг иложи бўлмади. Бувайда туманидаги 5 та таълим муассасасида ташкил этилган кундузги соғломлаштириш оромгоҳларини кўздан кечириб эканмиз, болалар машғулотлар олиб борадиган хоналар одатдаги синфхона шаклида қолгани, уларнинг ҳеч бири ёзги таътил мавсумига мослаштирилмаганига гувоҳ бўлдик. Оромгоҳ ўқувчиларга маънавий озиқ берадиган кўргазмалар билан ҳам безатилмаган. Айрим тўғрақлар машғулотларини очик осмон остида, соя-салқинда ўтказиш чоралари кўрилмаган.

Айни кунларда Қўқон шаҳридаги 5 та мактабда 80 нафардан, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Учкўприк туманларида жойлашган 5 та мактабнинг ҳар бирида 100 нафардан, Фурқат туманида 3 та мактабда 300 нафар ўқувчиларни учинчи босқичда соғломлаштириш учун тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда вилоятдаги "Водий гавҳари", "Қўқон", "Олтиарик", "Товул", "Риштон", "Шўхай", "Сўх", "Қувасой", "Қўқон роҳат", "Чимён", "Афғалинахумо", "Тонг", "Кимёгар" каби 14 та стационар соғломлаштириш оромгоҳларида 10 610 нафар ўқувчилар соғломлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, мавсумнинг биринчи ва иккинчи босқичларида 4486 нафар болажонлар хордик чиқаришди. Учинчи босқичда Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш департаменти Фарғона вилояти бошқармаси тасарруфидидаги 8 та стационар оромгоҳларга 1012 нафар ўқувчилар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Сўнгги йилларда вилоятимизда болалар соғлигини мустақамлаш ва тиклаш, мактаб таътиллари даврида уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кундузги ва стационар оромгоҳларга қўшимча равишда 854 та умумтаълим мактабларида "Соғломлаштириш майдончалари" ташкил этилди. Шу кунга қадар уларга 593 363 нафар ёш ўғил-қизлар жалб қилинди. Ўқувчиларнинг қизиқишлари бўйича турли тўғрақлар, спорт майдончалари, кўчма кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилди, дейди вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси мутахассиси Гулнора Қўқорова.

Шунингдек, барча умумтаълим мактаблари ўқувчиларини назорат қилиб бориш, уларнинг вақтларини бекор ўтказмаслик чора-тадбирлари кўрилади. Жумладан, 20 та "Баркамол авлод" болалар мактаблари томонидан оромгоҳларда 79 номдаги тўғрақлар ташкил этилди. Уларга 756 нафар ўқувчилар қамраб олинди. Дам олиш масканларида таниқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида давра суҳбатлари, театр томошалари, табиат кўйини саёхат, ёш ижроичлар иштирокида концерт дастурлари, спорт мусобақалари ва миллий спорт ўйинлари уюштирилмоқда. Лекин мавжуд оромгоҳлар ва умумтаълим мактабларида ташкил этилган кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари ёзги таътилга чиққан ўқувчиларни қабул қилиш қувватига эга эмас. Муаммолардан бири шундаки, вилоятимизда соғломлаштириш оромгоҳлари сонини йил сайин қисқариб бормоқда. Жумладан, Тошлоқ туманидаги "Оқолтин" оромгоҳи аввалги йилларда ҳар 10 кунликда 100 дан

бир бола эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Мактаб таътили даврида болаларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишни ташкил этиш, соғломлаштириш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида ҳолийлар ёрдамида тушлик ташкил қилинди. Кундузги соғломлаштириш оромгоҳига 20 кун мобайнида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар қамраб олинди. Белгиланган режадан ортқ ўқувчилар дам олиш истагини билдиргани боис, имконият даражасида тўлиқ фойдаландик, - дейди Учкўприк туманидаги 33-умумтаълим мактаби директори Адхамжон Ядгаров. - Хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги сингари тўғрақлардан ташқари, робототехника тўғрисида ҳам фаолият юритди. Болажонлар устозлари кўмагида ўзлари ясаган кичик моделларни ҳаракатлантиришди.

Таълимдаги узвийлигини тўғри ташкил қилиш учун ўғил-қизларимизни ҳатто таътил даврида ҳам назоратдан четда қолдирмаслик эътиборга молик. Аммо бу ишлар хўжақўрсинга эмас, сидқидилдан бажарилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Токи, оромгоҳларда хордик чиқараётган фарзандларимизнинг таътил кунлари мазмун-мақсадли, эсда қоларли хотираларга бой бўлсин!

М.МАҲМУДОВА.

✓ Кун мавзуси

ОБОД ЮРТНИНГ ФАЙЗИ  
ЎЗГАЧА БЎЛАДИ

Ҳар куни ишга кетаётганимда автобекат узоқлиги сабабли пиёда юриб, маҳаллани кезишга тўғри келади. Худудимизда экваторини сув билан суғориш масаласи биров қийин. Ҳар замонда бир адаб бўлиб келган сувдан суғорилмаса, бошқа вақт ҳар бир бўжалик ўзининг ер остидан тортиб олинадиган сув насосидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам маҳалланинг ички ариқлари сувсизликдан қовжириб ётади. Болагим ҳам шу кўчаларда ўтган. Ўша вақтларда ариқларда сувлар тошиб оқар, четларида гулу райхонлар ўсиб, киши дилини янаштар, уларнинг хушбўй ҳиди димоққа ёқар эди.

Эндиликда мавжуд ҳолатдан кўнгли хира тортади. Ариқларнинг бўйида бегона ўтлар басма-басига бўй чўзган, ичлари супуридилар ва ўтган-кетганлар ташланган чиқиндиларга тўла. Иш юзасидан кўплаб жойларда бўламыз. Ўша ерларда ҳам юқоридаги каби ҳолатларга дуч келамиз. Ҳатто, Данғара тумани марказидаги лотокларда тўпланган ахлат-чиқиндиларнинг ёқимсиз ҳиди беихтиёр қўлингиз билан оғиз-бурунни ёпиб ўтишга мажбур қилади. Ачинарлиси, на маҳалларда, на автобекат ва жамоат жойларида маиший чиқиндилар ташлайдиган махсус кутилар ўрнатилган.

Болагимда бувим (раҳматли)дан эшитган бир ҳаётий воқеа хануз ёдимдан чиқмайди. Унинг айтишича, олис қишлоққа янги оқсоқол сайланибди. Эртасигаёқ маҳаллий радиоэшиттиришини йўлга қўйибди. Маҳалла аҳли ҳайрон эмиш. Кимдир ўқимишли, кўпни кўрган, маданиятли киши бўлганилиги учун шу ишни қилган деса, яна кимлардир қишлоғимизга ҳам озгина маънавият улашмоқчи деган фикр билдирибди. Бироқ оқсоқолнинг асосий мақсади кейинчалик аён бўлибди.

Оқсоқол эрта тонгда отига миниб, худудидидаги кўчаларни бир-бир айланиб чиқар экан. Мабодо қайсидир ховли олди супурилмаган, сув сепилмаган бўлса, радиоэшиттириш орқали ўша хонадон эгасини уялтирар, бу ҳол қайта тақдорланмаслигини уқтирар экан. Қишлоқ аҳли ҳам бунини тўғри тушунар, ҳеч қачон унга қарши гап айтмас, унинг ҳар бир сўзини маъқулларкан.

Иккинчидан, маҳалла-қўйда ёхуд бирор уйда қурилишни, тозалаш ишларини бўлса, оқсоқол радио орқали аҳолини оммавий ҳашарга жалб қила олган. Бундан ташқари, радиоэшиттириш қишлоқ аҳолисини тўй-маррақаларга чорлашга хизмат қилган экан.

Халқимизда: "Ободлик кўнглидан бошланади", деган ибратли нақл бор. Дарҳақиқат, ҳар биримиз озодаликни, аввало, ўзимиздан, қолаверса, ён-атрофимизни тоза сақлашдан бошлашимиз керак. Шундагина юқоридаги каби кўнглисиз ҳолатлар барҳам топади, юрт ободлигига эришилади. Обод юртнинг файзи, таровати ўзгача бўлади.

Гулноза ЭРҒАШЕВА.

8265 НАФАР  
ФАРҒОНАЛИК  
АБИТУРИЕНТ ТЕСТ  
ТОПШИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизimini такомиллаштириш тўғрисида" ги қарорига мувофиқ, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб давлат олий ва профессионал таълим муассасаларига (касб-хунар мактаби бундан мустасно) қабул қилиш бўйича имтиҳонлар "Аввал тест, сўнг танлов" тамойилига мувофиқ бир вақтда ўтказилиши белгиланди. Абитурientлар ўз танлови асосида тест синови натижасида тўплаган балидан келиб чиқиб, дастлаб олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишларига, сўнг профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун танловда иштирок этади. Шунингдек, давлат олий таълим муассасалари бакалавриятга қабул жараёни икки босқичда амалга оширилади.

Абитурientлар тест синовлари тўлиқ якунланганидан сўнг 15 кун давомида олий таълим муассасаси, бакалаврият таълим йўналиши ва таълим шаклини танлайди. Агар улар тўплаган баллари асосида олий таълим муассасасининг талабаси бўлиш ҳуқуқига эга бўлмасалар, улар касбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун танловда қатнашиш имкониятига эга бўладилар. Шу ўринда "Икки босқичли жараён абитуриентларга қандай афзалликларни беради?" деган савол туғилади.



Абитурient тест натижаларига кўра, тўплаган бали билан ўз танловини нисбатан аниқроқ башорат қилиш имкониятига эга бўлади. Мисол учун, агар абитуриент имтиҳонда 132 балл тўплаган бўлса (у режалаштирган олий таълим муассасасига кириш учун ўтиш бали олдинги йилларда анча юқори бўлганлигини билди дейлик), шу тўплаган баллар асосида бошқа олий таълим муассасасидаги йўналишни танлаш мумкин бўлади.



Таълим гранти табақалаштирилади, стипендия фақат тўлиқ таълим грантини ютиб олган талабаларга тўланади. Давлат гранти ижтимоий рағбатлантириш гранти соҳиби бўлган талабаларга ўқиш даври учун тўлиқ миқдорда берилади.

тарбия ва спорт йўналиши бўйича бакалаврият таълим муассасаларига спорт йўналишларига қатъий ривож қилган ҳолда имтиҳонларсиз қабул қилинади. Имтиёз бўйича давлат гранти асосида талабалikka тавсия этилган абитуриентга ушбу имтиёздан қайта фойдаланишга йўл қўйилмайди. Мазкур Фармонда олий ўқув юртлири талабаларига давлат грантлари ажратишга оид янгиликлар ҳам назарда тутилган. Яъни 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртлири талабаларига ижтимоий рағбатлантириш гранти ва таълим гранти кўринишидаги давлат гранти ажратиши белгиланади.

Таълим гранти 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият ва магистратура босқичига ўқишга қабул қилинган талабаларга бир ўқув йили учун ажратилади. Бунда, кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган биринчи курс талабаларига олий таълим муассасаларига ажратилган давлат буюртмаси квотасига мувофиқ таълим гранти ажратилади. Иккинчи ва ундан кейинги йиллардаги таълим гранти олий таълим ташкилоти томонидан юқори академик рейтинг кўрсаткичларига эришган ва ижтимоий фаоллик кўрсатган талабалар ўртасида табақалаштирилган тартибда қайта тақсимланади. Таълим гранти табақалаштирилган тартибда молиялаштирилади, стипендия фақат тўлиқ таълим грантини ютиб олган талабаларга тўланади. Давлат гранти ижтимоий рағбатлантириш гранти соҳиби бўлган талабаларга ўқиш даври учун тўлиқ миқдорда берилади. Таълим гранти асосида тахсил олаётган талабалар учун ўқишни тугатгандан кейин камида уч йил ишлаш мажбурияти бекор қилинади. Фарғона вилояти бўйича бу йил учун олий таълим муассасалари бакалавриятга ўқишга кириш учун 78265 нафар абитуриентлар белгиланган тартиб бўйича онлайн рўйхатдан ўтган. Сўх туманидаги ёшларга қўлайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси баёни билан худуднинг ўзида ҳам кириш тест синовлари ўтказилиши белгилаб берилди.

Исмомилхон ШОКИРОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва маалакаларни баҳолаш агентлиги вилояти бўлими бошлиғи.

УЗОҚ АЙРИЛИҚДАН СЎНГ  
ҚИЗАЛОҚ ОНА БАҒРИГА ҚАЙТДИ

Қонунчилигимиз бўйича ота-оналар фарзанд тарбиясида бирдек ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Бироқ оилалар ажримда вояга етмаган фарзандлар кимнинг тарбиясида қолиши ажрашаётган эр-хотин томонидан ҳал этилади. Фарзандлар тарафлар келишув асосида эр ёки хотиннинг тарбиясида қолиши мумкин, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан ушбу тартиб белгилаб берилади. Фурқатлик Ж.К. ва Г.К.нинг икки нафар фарзандлари бор. Оилавий низолар сабаб аёл ота уйига қайтди. 11 ёшли қизалоқни эса دادаси ўзи билан олиб қолди. Боласини узоқ вақт кўра олмаган, унинг тафтини хис қилолмай соғинчга тўлган она судга мурожаат этди. Аёлнинг даввоси болани қарамоғига қайтариш эди. Давлат ижросини томонидан қарздорга вояга етмаган қизалоқни онасига ихтиёрий равишда топшириш тўғрисида огоҳлантириш хатлари юборилган бўлса-да, у ва оила аъзолари ҳар хил баҳоналар билан фарзандни онасига беришдан бош тортиб келди. Шундан сўнг болани ундирувчи тарбиясига олиб бериш бўйича мажбурий ижро ҳаракати ўтказилди ва узоқ айрилиқдан сўнг қизалоқ онаси бағрига қайтарилди.

Ҳасанжон ТУРСУНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Фурқат туман бўлими давлат ижросчиси.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririyati  
Бош мухаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти худудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Газета жума куни чиқади.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 1575 нусxada чоп этилади.  
Буюртма: 449  
★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи мухаррир: Маҳиёра Бойбобоева.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темура кўчаси, 28-уй.  
Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.  
Саҳифачиллар: Асилбек Қудратов.  
Босишга топшириш вақти: 18.00.  
Топширилди: 17.00.

